



БОҒДОРЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕВАЛИ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИНИ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАШ, ЭКИШ ҲАМДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тўраэв Бобуржон Адилбаевич

Академик М.Миразаев номидаги боғдорчилик
узумчилик илмий тадқиқот институти жиззах
илмий тажриба станцияси агротехника бўлим бошлиғи

ARTICLE INFO

Received: 23th June 2023

Accepted: 29th June 2023

Online: 30th June 2023

KEY WORDS

Боғдорчилик тармоғи,
интенсив технологиялар,
механизациялаш даражаси,
пайвандлаш, парваришлаш
агротехникаси.

ABSTRACT

Мақолада Боғдорчилик соҳасини ривожлантиришда
мева дарахт кўчатларини интенсив
технологиялар асосида тайёрлаш, экиш ҳамда
етиштириш технологияси ҳақида маълумотлар
келтирилган.

КИРИШ

Республикамиз иқтисодиётида боғдорчилик тармоғи, хусусан мева ва узумчиликнинг ўрни беқиёс. Мазкур тармок аҳолини озик-овкат ва саноатни хомашё билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз аҳолисининг мева маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида сўнгги йилларда ушбу йўналишдаги фермер хўжаликлари сонини кўпайтиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Боғдорчиликни механизациялаш даражаси соҳани ривожлантиришда танлаб олинган стратегик йўналишга боғлиқ. Хозирги пайтда боғ парваришида интенсив технология кенг қўлланилмоқда. Идеал ҳолатда соҳани тўла механизациялаш барча ишларни тўлиқ механизмлар ёрдамида бажарилишини билдиради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Соғлом, юқори сифатли, стандарт талабларига жавоб берадиган кўчатлар дарахтларнинг яхши ўсишини ва юқори ҳосилдорлигини таъминлайди.

Пайвандтаглар уруғли ва вегетатив йўл билан купаювчи гуруҳларга бўлинади. Уруғли пайвандтагларда кучли ўсувчи, узоқ яшайдиган, нокулай шароитларга чидамли, лекин кеч ҳосилга кирадиган бўлади. Кучсиз ўсувчи кўчатларни етиштириш учун пайвандтаглар вегетатив йўл билан кўпайтирилади (пархиш, кўк қаламчалар, қаламчалар, бачкилар).

Пархишлаш учун унумдор, енгил тупроклар танланиб 40-50 см чуқурликда ҳайдалади. Ҳар гектарга 30-40 тонна гўнг, 80-100 кг фосфор ва 30 кг калий солинади.



Экиш олдидан ер тайёрлаш. Уруғлар ёки пайвандтаглар (ниҳоллар) кузда экиладиган бўлса, сентябрь октябрь ойининг биринчи ярмида ер 30-35 см чуқурликда ҳайдалади. Экиш баҳорда ўтказилса кузда - ноябрь ойларида ер ҳайдалиб 120 кг/га фосфор, 25-30 кг/га калий ва 20-40 тонна чириган гўнг солинади.

Уруғ экиш бўлими. Уруғлар кузда октябрь ойининг иккинчи ярмида - ноябрнинг бошида ёки эрта баҳорда экилади. Кузда экилганда уруғлар қуруқ стратификация қилинмаган - қумланмаган ҳолда, баҳорда фақат стратификацияланган уруғлар билан ўтказилади.

Уруғларини уруғ экиш бўлимига икки йўлли лентасимон усулда, йўллар ораси 6-8 см, ленталар ораси - 60-70 см қилиб экилади. Уруғлар енгил тупроқларда 3-3,5 см, оғир тупроқларда 2-2,5 см чуқурликка экилади. Уруғ экилгандан сўнг суғорилади ва зарур агротехник тадбирлар ўтказилади. Кузда ниҳоллар ковлаб олинади.

Мевали дарахт кўчатларини интенсив технологиялар асосида етиштириш

Кўчатзорнинг биринчи даласи. Уруғ ва данакларни Ўзбекистонда бевосита кўчатзорнинг биринчи даласига экиш мумкин, бунда албатта пайвандлаш муддатигача кучли озиклантириш ҳисобига ниҳолларни етказиб олиш талаб этилади.

Пайвандлаш. Мева кўчатзорларида ёзги пайвандлаш қўлланилади. Пайванд қилишдан 3-4 кун олдин ниҳоллар пўстлогининг яхши ажралиши, ўсимлик танасида шира ҳаракатини кучайтириш мақсадид сугорилади ва пояларининг 15-20 см баландлигигача ён шохлари оли ташланади. Пайвандтаг танасида шимолий ёки шимолий-ғарб томонидан илдиз бўғзи енида пўстлогини "Т" ҳарфи шаклида пайвандла пичоги билан кесилади, пўстлогини очилиб унга узунлиги 2-2,5 см келадиган куртак, кўпайтирилаётган навнинг қаламчасидан олинган қобиқ пайвандтагнинг пўстлогини ичига жойланади. Пўстлоқ қобиққа бармоқлар билан ёпиштирилади ва бойлагич материал билан ўраб боғланади.

Кўчатзорнинг иккинчи даласи. Келаси йили эрта баҳорда шира ҳаракати бошлангунча пайванд қилинган жой очилади, бойлагич материаллари олиб ташланади ва пайванд қилинган куртакка кесилади. Баҳорда 120 кг/га азот, 60 кг/га фосфор ва 30 кг/га калий солинади, керак бўлганда 1-2 марта азот билан 60 кг/га микдорда озиклантирилади. Ёз ойларида суғорилади, қатор оралари юмшатилади.

Кўчатларни ковлаш. Кўчатларни кузда, барглар тўкилганидан сўнг ковлаб олинади. Стандарт кўчатларга штамбини баландлиги 50-60 см бўлган, диаметри 2-2,5 см дан ва асосий шохлари узунлиги 50-60 см дан кам бўлмаган кўчатларни киритиш мумкин. Ковлаб олинган кўчатлар кўмиб қўйилиб, тупроқ билан зичланади, сугорилади. Кейинчалик улар реализация қилинади.

Интенсив боғларни маҳаллий боғлардан афзаллиги.

Ҳосилдорлик 2-2,5 баробар ортади. Дарахт кичик бўлганлиги сабабли улар билан ишлаш осонлашади (бута, суғориш, дорилар, ҳосилини йиғиб олиш ва ҳоказо).

Томчилатиб суғориш имконияти юқори ва бунда 30-40% сув тежалади. Минерал ўғитларни сувда эритиб берилганда, бу ўғитларни алоҳида қўллангандагига қараганда 40-50 фоизгача сарф-харажат камаёди. Мева сифати (таъми, ранги, бир текислиги ва ҳоказо) ортади.



Янги экилган интенсив боғлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради, 4-5 йили тўлиқ ҳосилга кириб, ўртача 35-40 т/га ҳосил олишга эришилади.

Стандарт мевалар микдори 90-95% га етади, шундан биринчи нав 80% ни ташкил этади.

Республикада оддий боғларни интенсив боғларга нисбатан солиштирма маълумотлари

Т/р	Экиш схемаси, М	1 га майдондаги Дарахтлар СОНИ	Дарахтлар- ни ҳосилга Кириш муддатлари	1 дарахтдан олинадиган ўртача Ҳосил, кг	1 га майдондан олинади ган уртача Ҳосил, т
Маҳаллий боғлар (оддий боғлар)	6x4	416	5-6 йил	35-40	16.6
	6x5	333	5-6 йил	35-40	13.3
Интенсив боғлар	3,5x2	1429	2-3 йил	20-25	35.7
	3,5x2,5	1143	2-3 йил	20-25	28.5

Интенсив боғ барпо этиш ва парваришlash агротехникаси.

Кўчат экиш схемаси:

- > Интенсив кўчат турларига қараб, пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари 3,5x2,5 м, ўрта ўсувчи 3,5x3 м
- > нок кўчатлари учун 3,5x2 м, урта ўсувчи 3,5x2,5 м.
- > ММ-106 пайвандтагга уланган урта ўсувчи кўчатларда олма 6x4 м, 6x5 м, нок учун 5x3 м, 5x4 м ҳамда узумни 3x3 ёки 3x2 м схемалари тавсия этилади.

Кўчат экиш:

- > Кўчат экиладиган чуқурларни чуқурлиги ва кенглиги 60x60 см бўлиши керак.
- > Чуқур қазишда тупроқ усти 20-25 см қисми чуқурнинг бир томонига олиб, чуқурнинг қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади.
- > Кўчатни экишдан олдин алоҳида тайёрланган шатмоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 қилиб қаймоқсимон қилиб тайёрланади), ботириб олиб экилади.

ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, 2030 йилгача классик ва замонавий интенсив технология талабларига мос универсал юриш қисми, юкори даражада унификациялашган узидан бир класс паст ва бир класс юкори тракторларни ишини бажара оладиган тракторни ишлаб чикиб уни соҳадаги барча оғир юмушларни механизациялаш учун машина ва куруллар билан жиҳозлаб, соҳани механизациялаш даражасини кўтариш ва соҳани саноат асосида ривожлантиришни йулга қуйиш.

Ушбу ишларни амалга оширишда шу кунгача мамлакатимизда ва хорижда эришилган ютуқлардан кенг фойдаланиш ва соҳа ривожланишининг истиқболлини инобатга олиш зарур.



Боғдорчиликда истикболли технологиялар ва машиналар тизимини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш тупроқ унумдорлигини ошириш, механизациялаштириш даражасини, ҳосилдорликни, деҳқончилик маданиятини кўтариб, харажатларни боғларда 1,7 марта қискартириш имконини беради.

References:

1. Садриддинов А, Олмосов М.Н., Холиёров Ё.Б. 2021-2025 йилларда кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш учун истикболли технологиялар ва машиналар тизими. V-қисм. - Тошкент: «StandartPoligrafPlus», 2021. - 268 б.
2. Садриддинов А, Олмосов М.Н., Холиёров Ё.Б, Шабурян С.С. Технологии и технические средства для лесного хозяйства и декоративного садоводства. Каталог-справочник: в 2-х томах - Том II. Ташкент: «StandartPoligrafPlus», 2020. 286 с.